

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2019-yil 22-avgust, payshanba 53 (9020)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТДАН МАМНУНЛИГИНИ КЎРИШ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ижроси билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 20-21 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.**

Ташрифнинг иккинчи кунини Президентимиз раислигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, шаҳар ва туманлари сектор раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишда барча ҳудудларда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам ижобий сифат ўзгаришларига эришилгани таъкидланди. Биринчи ярим йилликда ялпи ҳудудий маҳсулот 7,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,4 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 45 фоизга ўсган.

Президентимиз ҳудудда ҳали муаммолар кўплигини, sanoatни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича ишлар етарли эмаслигини таъкидлади.

— Бу ерга қарсақ учун эмас, ишлаш учун, халқимизнинг кўзига қараш учун келдим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Дунёқарашини

ўзгартирмаган сектор раҳбарлари оёғимизга кишан. Ишга кирган битта хотин-қизнинг бахтини тасаввур қиласизларми? Ёшларни ким етаклайди, уларга тўғри йўналиш беради? Мўйноқ мисолида кўрдиларингиз. Одамларнинг кўзларида "қилса бўлар экан-ку", деган нур бор. Лекин энди бу тарих. Ҳамма туманларда шундай ўзгаришлар қилиш керак.

Биринчи ярим йилликда Қорақалпоғистонда sanoat ишлаб чиқариш ҳажми атиги 0,5 фоизга ўсгани, Тахтақўпир, Шуманай, Нукус, Чимбой, Тўртқўл, Кегейли туманларида sanoat деярли йўқлиги танқид қилинди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ривожини ҳам суст.

— Охири уч йилда туб ислохотлар натижасида кўплаб соҳаларни эркинлаштирдик, уларнинг ривожига халақит берган чекловларни бекор қилдик. Қорақалпоғистонда ҳам ҳар бир сектор раҳбари чекловларни бекор қиламан, тадбиркорга хизмат қиламан, деган қоида, шиор билан ишлаши керак, — деди Президент.

Йиғилишда Қорақалпоғистонни янада тараққий эттириш бўйича бешта устувор йўналиш белгилаб берилди.

Биринчиси — sanoatни ривожлантириш, барча тармоқларда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишдан иборат.

Иккинчи устувор йўналиш тадбиркорлик жадал ривожланиши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашдир.

Қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш учинчи устувор йўналиш этиб белгиланди.

Тўртинчиси — ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфраструктуранини яратиш.

Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш эса бешинчи устувор йўналиш сифатида эълон қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳар бир йўналишда назарда тутилган масалаларга алоҳида тўхталиб, улар бўйича фаол ишлаш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларни турли соҳаларга ихтисослаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Жумладан, Қораўзақ тумани қурилиш материаллари, Бегуний, Хўжайли, Нукус туманлари мева-сабзавотчилик, Тахтақўпир чорвачилик, Шуманай паррандачилик, Эллиққалъа узумчилик ва туризм, Мўйноқ балиқчилик ва чорвачилик, Кегейли чорвачилик, қизилмияни қайта ишлаш ва қоғоз sanoati, Қанлиқўл тумани дукка ва экинлар учун қулай бўлган ихтисослаштирилмиш қайд этилди.

Кўнгирот туманини нефть-кимё sanoati ва чорвачиликка, Чимбойни қизилмия етиштириш ва қайта ишлашга, Тўртқўлни шиша, ойна ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, Амударё тумани

нини боғдорчилик, тўқимачилик ва пиллачиликка, Нукус шаҳрини эса фармацевтика ва электротехникага ихтисослаштириб, Тахياتош туманини sanoat ишлаб чиқариш ҳудудига айлантириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Йиғилишда сектор раҳбарлари Президентимиз берган топшириқларни бажариш, ўз ҳудудда вазиятни яхшилаш, қутилган натижага эришиш бўйича қафолат берди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Қорақалпоғистонга ташрифи доирасида мамлакатимизни янги тараққийёт босқичига кўтаришда, энг аввало, салоҳиятли янги авлод кадрларини тайёрлаш зарурлиги, бунинг учун юртимизнинг ҳар бир ҳудудда биттадан янги тилдаги таълим муассасалари — Президент мактаблари ташкил этилишини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг жорий йил 20 февралда "Президент мактаблари ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида Президент мактаблари мамлакатнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич ташкил этилмоқда.

Айни пайтда Нукус, Наманган, Хива ва Тошкент шаҳарларида Президент мактаблари қурилиши жадал давом этмоқда.

Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги Президент мактабида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

(Давоми 2-саҳифада)

**КИМДИР БИЗНИНГ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗГА ШУБҲА ҚИЛСА, МЎЙНОҚҚА КЕЛИБ КЎРСИН!**  
Шавкат МИРЗИЁЕВ

## Мўйноқ замон билан бўйлашмоқда

Бундан ўн беш йил олдин эди. Уловимиз Нукуснинг гўзал манзараларини ортда қолдириб, Мўйноқ томон ела бошлади. Манзил узоқ, атрофда эса бир хил зерикарли чўл манзараси. Бир қарашда қировни эслатадиган оппоқ шўр босган кенгликлар, май ойи бўлсада ҳали япроғини тўлиқ ёзмаган касалманд тут дарахтлари машина ойнасидан лип-лип ўтади. Йўл бўйи Қонлиқўл ва Қўнгирот туманларидаги қишлоқлар кўзга ташланади. Икки қўлида челака сув тўлдириб кетаётган аёлни кўриб, аҳволнинг анча оғирлигини фаҳмлаймиз. Ўзимизча бу жойларни Ватан тутган инсонларнинг яшаётган ҳар бир оини қаҳрамонликка менгазимиз келади.

Очиғи, ўша пайтда Мўйноқда тўрттагина тузукроқ бинога кўзим тушди. Булар ҳам туманининг маъмурий идораларининг бинолари. Тадбиркорлик тўғрисида гапиришни ўзи ноўрин. Биргина "Мўйноқ балиқ-консерва" заводи бор экану у ҳам аллақачон таназзулга юз тутган эди. Бир пайтлар шу заводда ишлаган Мақсет исмли киши заводнинг шуқуҳли кўнлари тўғрисида шундай ҳикоя қилди: "Чўлдаги кўм-кўк шуволарни кўрарисизми? Чўл шамолида тебраниб, мавжланаётган денгизни эслатади. Узоқ йиллар олдин бу чўл ўрнида денгиз шуволларди. Балиқчи кемалар причалда туриб, овлаган балигини тарнспортёр билан заводга ташларди. Заводда тайёрланадиган консерва маҳсулотларининг донги бутун собиқ иттифоққа кетган эди. Энди буларнинг ҳаммаси эртатка айланди"

Хуллас, Мўйноқдан диллим ҳуфтон бўлиб қайтдим. Бозордаги латта-путта тортиб омонатгина ясалган расталар, ерга селюфан ёйиб устига дудланган ва чалажон балиқларни уюб қўйиб, менга харидор келди, дея умид билан балигини мақтаган сотувчиларнинг ҳазин чехралари узоқ вақтлар ҳаблимдан кетмади.

Вақт шундай югурдики, ўзининг бекиёс кудрати билан улкан ўзгаришлар ясади. Шу нўқтаи назардан айтганда бугунги Мўйноқни бундан ўн беш йил олдинги ҳолати билан солиштириш душвор. Олдинги Мўйноқдан бугун фақат фото ва видео фактлар қоляпти, холос. Президентимиз раҳнамолигида туманда асрларга татиғулик ишлар амалга оширилди.

Президентнинг ўтган йилги ташрифи давомида берилган кўрсатмалар асосида ҳукуматнинг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури қабул қилинган. Унда 2019-2021 йилларда жами 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган, дея ёзади Президент матбуот хизмати.

Қисқа вақт ичида қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, 800 ўринли амфитеатр ва давлат хизматлари маркази қурилди, маданият маркази ва стадион, "Бозатау" овул фуқаролар йиғинидаги оилавий поликлиника реконструкция қилинди.

Июль ойида "Мўйноқ порлоқ текс" масъулияти чекланган жамияти томонидан тикувчилик корхонаси ишга туширилиб, 350 та иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-саҳифада)

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йиғирма биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма биринчи ялпи мажлиси 2019 йил 23 август кунини соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 22 август кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесидида рўйхатга олинади.



### Янги уйлар фойдаланишга шай

Самарқандлик қурувчилар Истиқлол байрами арафасида қишлоқ жойларда янги қурилган кўплаб турар жойларни ўз соҳибларига топшириш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

"Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компаниясининг Самарқанд вилояти филиалидан олинган маълумотга кўра, 2019 йил дастурига асосан вилоятда 1900 та уй-жой барпо этилмоқда. Бунёдкорлик ишлари учун 290 миллиард 590 миллион сўм маблағ ажратилган. Қурилаётган уйларнинг 250 таси фойдаланишга топширилган бўлса, қолган турар жойларнинг пудрат ишларининг бажарилиши 80 фоиздан ошди. Жадаллик билан фаолият олиб бораётган қурувчилар ўтаётган йилнинг 9 ойи якуни билан барча янги уйларни ўз эгаларига топширишни режалаштирди.

Самарқанд туманидаги Паррандачилик массивида анча йиллардан буён эътибордан четда қолиб, қарийб чиқиндигонага айланган ҳу-

дуд ҳам бугун кўркам қиёфага кирди. Бойси, кўли гул қурувчилар меҳнати эвазига 2 та, ҳар бири 24 оиллага мўлжалланган тўрт қаватли замонавий уй-жойлар бунёд этилди.

— Қурилишни жорий йилнинг февраль ойида бошланган эдик, — дейди "Бунёдкор Самарқанд" хусусий корхонаси раҳбари Шухрат Маматқулов. — Айни кунларда янги уйни эгаларига топшириш учун тайёргарлик кўряпмиз. Мақсадимиз, юртдошларимиз учун сифатли уйлар қуриб, уларнинг дуосини олишидир.

Лойиҳа қиймати 3 миллиард 340 миллион сўмдан зиёдни ташкил қиладиган янги уйларнинг ҳар бири ҳавас билан яшайдиган қошонага айланган.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

### УЧҚУДУҚ: КЕЧА ВА БУГУН

Учқудуқ туманидаги "Олтин кўл" дам олиш мажмуаси туман аҳолиси ҳамда бу ерга ташриф бурувчи меҳмонларнинг сеvimли маскани. Туман марказига элтувчи йўл бўйида жойлашган ушбу ҳудуд илгари қаровсиз жой эди. Навоий кон-металлургия комбинати ташаббуси билан бу ерда кўл барпо этилиб, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва атрофи кўркам қиёфа касб этди. Мазкур дам олиш мажмуасидаги чўмилиш ҳавзаси, мусиқий фавворалар, скейтборд ва ролик учуш йўлаклари, волейбол, футбол ва теннис майдончалари, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари дам олувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун хизмат қилмоқда. Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Навоий вилояти

## Кўрса-кўргудай Ватанинг бор

### Болгарияда фақат қалампир ўсадими?

Булғор қалампирини ҳақиқатда гап кетганда, шубҳасиз унинг ватани Болгария, яъни Болгария бўлса керак, деган фикр хаёлдан ўтади. Шундай эмасми? Яқинда шу давлатда саёҳатда бўлганимизда шу фикр эсимга тушди. Илтимосим билан болгар қалампирини ва бодринг ўстирилаётган пайкалларга бордик.

Эпчил ва гапга чечан Христина Биева дарвоза олдидаёқ, "Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг руҳсат олган бизнест", дейишига қарамай, бизни Самарқанд "хусусий корхонаси раҳбари Шухрат Маматқулов" — Айни кунларда янги уйни эгаларига топшириш учун тайёргарлик кўряпмиз. Мақсадимиз, юртдошларимиз учун сифатли уйлар қуриб, уларнинг дуосини олишидир.

Лойиҳа қиймати 3 миллиард 340 миллион сўмдан зиёдни ташкил қиладиган янги уйларнинг ҳар бири ҳавас билан яшайдиган қошонага айланган.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

талаб борлиги олдиндан маълум қилинади ва шунга кўра иш ташкил этилади.

Лўнда қилиб айтганда, Болгария қишлоқ хўжалиги, айниқса, сабзавотчиликда ҳавас қилса, ўрганса арзирли жиҳатлари кўп. Албатта, саёҳат давомида бу мамлакатнинг тарихи, диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишдик.

Марица дарёсининг икки соҳилида қарийб 3 минг йиллаб яшаб ётган Пловдив европанинг қадимий шаҳарларидан бири. Мамлакатнинг иккинчи шаҳри Болгар дурдонаси саналади. Афсонавий Троя, Афина, Рим Пловдивдан ёшди. Археологик қазилмалар унинг 6 асрилик тарихидан дарак беради. Очик музейлар шаҳри номи билан ном қозонган.

У етти қир — Алёша, Жедем-Тепе (дўзах-қир), Соат-Тепе (соат минораси), Жом-Тепе (канатчилар тепаси), Таксим-Тепе (сув тақсимлаш), Навбат-Тепе (қоровулхона)

✓ **Маънавият, бу — тақдиримиз, келажагимиздир!**

Марково-тепа қимматбаҳо тошлардан иборат бўлган учун, тошлар шаҳар қурилишларига ишлатилган. Ҳозир тепалик йўқ. Олтига қир қолган.

Жума масжиди 1363-1364 йилларда қурилган. У шаҳарнинг қоқ ўртасидаги баландликда, ҳамма тарафдан тенг кўриниб туради. Жом тепада жойлашган. У ёпиқлиги учун қиролмади. Унинг чап тарафидаги Рим амфитеатри рим императори Троя томонидан бунёд этилган 3 ярим минг томошабинга мўлжалланган театр жанрларда вайрон қилинган ва қайта қурилган.

Ҳозирда стадионлардаги каби очик театрда замонавий гуруҳларнинг концертлари ўтади. Сайёҳлар учун очик. Биз ҳам билет олиб, амфитеатрнинг томоша қилдик.

(Давоми 3-саҳифада)



Кўрса-кўргудай Ватанинг бор

Болгарияда фақат қалампир ўсади ми?

(Боши 1-саҳифада)

Ундан ташқари, қатор университет, илм масканлари мавжудлиги билан пловдивликлар ҳақиқи равишда фахрланган. Биз бу ҳар қадами афсона, ҳар қадами эртак шаҳардан Софияга қайтдик.

Софияга борганимда менга бошқача қизиқиш, эҳтиром бўлаётганини сездим. Християннинг айтишича, туркларнинг профессор-ёзувачиси Мўмин Тоҳиروف наманганлик эканимга жуда қизиқди. Менинг отам борган юртининг шoirаси экан, дея ҳикоя қилапти. Хайрон қолдим. Чунки, болагимда қишлоғимизга болгарлар автобусларда келган. Мактабимизда улар билан учрашув бўлганди.

Учрашувга бутун қишлоқ аҳли чиққан. Сўхбатлар, катта концерт бўлган. Рус, болгар, ўзбек куй-қўшиқлари янграган. Бир-бирларининг тилларини тушунамасалар ҳам оҳангларига тушунишган. Онанинг отамага айтган гаплари эсимда:

– Хушхабар экан, булгорлар. Уйинларини чиройлик. Мен ҳам ўртани тўлдириб

уйнаётган катта-кичик икки миллат вакилларининг энг ҳажжиси бўлиб, онанинг рағбати билан уйинга тушган эдим. Ушандаёқ ирқи, дини, миллатидан ташқари бир-бирига ўхшаш, дўст одамлар борлиги қишлоғимда намён бўлган. Меҳмоннавозликка қарамай улар, кейинги қишлоқ – сермиллат Кўгайга йўл олдилар.

Нима бўлгандаям пловдивликлар бундан ярим аср аввал, Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоғи, менинг она юртимга келишган. У ерга етгунча ҳайратларим каттариб бораверади. Унинг энг баланд тоғи тепасида дам олиб ўтириб, турк таомларидан тановул қиларканман, қишлоғимдаги қизалоқ хотирларим ҳаёлимдан липиллаб ўтар, тоғ-тоғ билан учрашмайди, аммо одам-одам билан учрашади, деб эсладим.

Дунё шунча белоён, шахарлар, мамлакатлар ораси узундан-узқ бўлгани билан дилга яқин одамлар билан сўхбат қилиб тўймайсан. Уларнинг юрти, одатлари, қарашлари билан танишасан. Инсониятнинг

орзуси миллионга бўлгани билан, мақсад битта, тинчлик, озодлик, мўл-қўлчиликда фаровон яшаш. Сен орзу қилган шахрингда, дўстаринг билан ўтирибсан, улар сенинг юртинг ҳақида сўрайдилар. Кўриш орусини изҳор қилдилар. Сен уларни хотиржам таклиф қиласан. Чунки кўрса-кўргудай Ватанинг бор.

– Сизнинг гилосингиз таъмини, – дейман қувонч билан. – Наманган гилосига солиштиринг, бу йил англияликлар мақтовига сазовор бўлди.

Христина жуда ҳозиржавоблик билан дейди: – Биз Тошкентдан Наманганга машинада кетганимиз ёки самолётдами?

– Гузал сингилми, – дейман унга кулиб. – Сиз мени Софиядаги ҳайдовчим бўлдингиз, мен Ўзбекистон бўлаб ҳайдовчингиз бўламан.

Ва одатим бўйича ҳайдовчилик гувоҳномамни кўрса-таман.

– Ҳали ҳеч қайси полиция ҳужжатини кўрмаган.

Кулишиб олдик. Пловдивдан Софияга қайтарганимиз, бугудойор-у

кулупнайзорлар, ўрмонлар ҳаёлимни олади. Пахтазорларини кўрмадим, йўлимизда эмас экан. Пловдив вилоятига биринчи бўлиб пахта эккан наманганлик экани, мени янада қувонтирди. Қандай ажойиб! Ким бўлишдан қатъий назар наманганлик пахтакор Болгариянинг Пловдив заминига ўзи олиб келган эккан наманганлик экани, мени янада қувонтирди.

Халқлар дўстлиги абадийлигига асос солган наманганлик пахтакор бўлса, Наманган, Тошкент вилоятларига булгор қалампирларини, пушти помидорларини урф қилган Пловдив деҳқонларидир.

Халқаро конференциядаги иштироким сабаб, Болгарияга маърузамдан ташқари, курсдошим, шоира ва журналист Ия Николаевага ва бошқа аёлларга олган миллий сўгаларимдан ташқари қалин муқовали “Янгиланган Наманган” китобини ҳам кўтариб бордим. Бирини институт ректори Ирина Петовага, давлат миллий кутубхонаси директори, профессор Красимира Стойчевага, халқ таълими вазирлиги ўринбосари Деница Сачевага топширдим. Уларда ҳам Ўзбекистонимиз, Наманганим ҳақида таассуротлар қолдиришга эришдим.

Дилбар ХАЙДАРОВА

Кутлов


Қадрли Ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги “Ўзсувқурилиштаъминот” Республика бирлашмаси тизимидаги

“САМАРҚАНДСУВҚУРИЛИШИНВЕСТ”

Давлат унитар корхонаси жамоаси

Сизларни Мустақиллик байрами билан самимий қутлайғу ва барчангизга тани суҳатлик, хотиржамлик, меҳнат фарадиятингизга янги-янги зафарлар тилайғу.



Тинч, осуда ҳаётимизга, мусаффо тонгларимизга асло кўз тегмасин. Меҳнатсевар, меҳмондўст, танти халқимиз доимо омон бўлсин!



Эълонлар

Хурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ

такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 19 августдаги 778-сонли бюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: 1. Жиззах вилояти, Зомин туманида жойлашган, умумий майдони 12600 кв. метр, курилиш ости майдони 7019,88 кв. метр, 14 та литердан иборат, 1 қаватли 330м<sup>2</sup> деҳқон бозори мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 23 342 215 138 сўм.

Бошланғич баҳоси – 6 595 087 738 сўм. Аукцион савдоси 2019 йил 5 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар мулоҳим 1 фозидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидagi х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.



Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги “Ўзсувқурилиштаъминот” Республика бирлашмаси тизимидаги

“Яйпандавсувмаксуспудрат”

Давлат унитар корхонаси жамоаси

юртдошларимизни энг улғу, энг азиз айём билан қизғин муборакбод этади.

Барчангизга бахт-саодат, Истиқлолимизни мустақамлаш йўлидаги эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.

Қалбларингиздан шоду-хуррамлик, хонадонларингиздан қут-барак аримасин! Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



Хурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 20 августдаги 779-сонли ҳамда 21 августдаги 784-сонли бюртманомаларига асосан, тақдоран қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Андижон вилояти Асака туманида жойлашган “Асака деҳқон бозори” 2 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 3666 кв. метр, курилиш ости майдони 2846,8 кв. метр, 5 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 7 275 354 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 28 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар мулоҳим 1 фозидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидagi х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

ТАБИЙ СУВ ҲАВЗА УЧАСТКАЛАРИНИ БАЛИҚ ОВЛАШ ҲўЖАЛИКЛАРИГА ИЖАРАГА БЕРИШ БўЙИЧА ТАНЛОВ

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сонли қарори ва “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг 2019 йил 15 июлдаги 45-сонли бўйруғига асосан)

Диққат танлов! сентябрь ойи охирида Комиссия мажлисида амалга оширилади. Талабгорлар ёки уларнинг вакиллари танлов таклифлари конвертларини очилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ижара шартномаси “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва танлов гўлиби билан ҳамда 10 йил муддатга тўзилади. Ушбу танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга ҳужжатларини тақдим этишлари мумкин: Тошкент вилояти Уртачирчиқ тумани Нурафшон шаҳри Тошкент йўли кўчаси-90. Телефон: (90) 902-57-17, (71) 290-00-82. Электрон почта манзили: toshkentbaligisanoat@mail.ru

Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш ҳўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов натижалари 2019 йил сентябрь ойи охиридаги эълон қилинади.

Table with 5 columns: Tuman nomi, Suv havzasining nomi, Suv havzasining maydoni, 2019 йилда балиқлангирини ҳажми, 2019 йилда балиқ овлаш ҳажми, тонна

Танловда иштирок этиш ҳақидаги аризани кўриб чиқувчи энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир баробари миқдоридagi тўлов ундирилади. Асосий х/р: 20208000900764793001 “Ипотека-Банк” АТИБ Тошкент вилояти филиали: МФО: 00408.

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади:

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 15.08.2019 йилдаги №52(9019)-сонидa берилган хабарномада Жиззах вилояти, Арнасой туманида жойлашган умумий майдони 5600,0 кв. метр, курилиш майдони 995,9 кв. метр, савдо расталари ва автотураргоҳ, 3 та литердан иборат бўлган “Арнасой деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуасининг аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз. Асос: Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 21 августдаги 783-сонли хати.

“FERON LEASING” М-ОК Лтд таъсис қилган “UNIVERSAL SUGURTA” АЖ устав фондинг: 7,77 фоз ақцияларнинг бозор баҳосини аниқлаш мақсадида баёлончи ташкилотлари 2019 й. 15 сентябрь 18:00 гача тендер эълон қилади. Тел.: (+99878) 150-40-30, (+99878) 150-40-29.

## Ватан

Умида АБДУАЗИМОВА

Тоққа чиқсанг яна тоғлар кўринар,  
Тоғ ортида чаман боғлар кўринар.  
Билмайсанки, чаман боққа етгунча  
Йўлинг тўсар қарга-зоғлар кўринар.

Хурматингни шу тоғлардек баланд қил,  
Оқар сувинг ўз боғингга каманд қил.  
Ўзга тоғлар сайрига ундар дилни,  
Боғ-роғининг тинчлигига чоғлар қил.

Ўша тоғнинг чўққисидан оппоқ қор,  
Эримайди, қаримайди, зар виқор.

Қарга-зоғлар қолсин қор совуғида,  
Сен яйра - қул, орзуларинг безубор!

Тоғлар бетин ёнган нина арчалар,  
Сабр тошин наҳот парча-парчалар?  
Арчаларнинг шохларидан кўп йиллар,  
Керак унга очилгунча дарчалар.


Сен чўчим, сен ўқинма, йиқилма,  
Ёки харсанг тошлар ичра тиқилма.  
Яна настга тушсанг тоза булоқ бор,  
Шу булоқдан бошланади ҳур баҳор...

“Ўзагротехсаноатқолднинг” акциядорлик жамияти тизимидаги  
“ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ”  
акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни  
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ  
билан самимий муборакбод этади.

Корхона томонидан қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари  
буюртма асосида ишлаб чиқарилади ва сотилади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.



Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси 434 уй.  
Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71)264-08-12, (71)264-77-48. Info:@ TZST.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

## ✓ Реклама



## ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»  
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Туловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

## QISHLOQ HAYOTI

## МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
таркибидagi ҳамда бошқа  
дахлдор вазирлик ва идоралар.

## Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ,  
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ахтам ХАИТОВ,  
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Раимкул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,  
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,  
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,  
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.  
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

## Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04  
Вилоятлар:  
Андижон – (+99893) 630-73-03;  
Бухоро – (+99891) 401-29-59;  
Жиззах – (+99893) 940-10-78;  
Навоий – (+99891) 332-50-99;  
Наманган – (+99893) 948-53-86;  
Фарғона – (+99890) 407-76-03;  
Самарқанд – (+99893) 349-54-39;  
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;  
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;  
Тошкент – (+99890) 976-39-58;  
Хоразм – (+99897) 790-47-61;  
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

## Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда  
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-825, ҳажми 2 босма табоқ,  
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилми: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва  
дизайнер Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

4 092 нухада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ – 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топшириш вақти: 00.55

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:  
А.ҲАҚБЕРДИЕВ

1 2 4 5 6



“UZGUMI” – ЭКОЛОГИК ТОЗА  
МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ГАРОВИ

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини  
жадаллаштирувчи восита бўлиб, адоптоген,  
антидот ва иммуномодулятор хусусиятига эга  
препарат ҳисобланади.

## “UZGUMI” БИО-ЎГИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ:

- Уруғларнинг унвучанлигини оширади;
- Ўсимлик ҳаётининг дастлабки давридан бошлаб ўсиш ва ривожланиш жараёнларини жадаллаштиради;
- Ҳосилнинг пишиб етилишини тезлаштиради;
- Ўсимликларнинг ноқулай шароитлар – сув танқислиги, ҳароратнинг ошиб ёки пасайиб кетиши, тупроқ шўрланиши ҳолатларига нисбатан чидамлилигини оширади;
- Ҳосил элементларининг тўқилишини камайтиради;
- Ўсимликларнинг касалликларга чидамлилигини оширади;
- Тупроқдаги озуқа моддалар ва ўғитларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишини яхшилади;
- Пестицидларнинг маданий ўсимликларга заҳарли таъсирини кескин камайтиради;
- Ҳосилнинг етилишини тезлаштиради ва маҳсулот сифатини яхшилади;
- Экинларнинг ҳосилдорлигини оширади.

## “UZGUMI” БИО-ЎГИТИНИНГ ИННОВАЦИОН ЯНГИЛИГИ:

- Тўлиқ равишда маҳаллий хомашў асосида инновацион ёндашуш ва илғор технология воситасида тайёрланган;
- Ўсимликларнинг касалликларга, шунингдек, ноқулай таъширларга (қурғоқчилик, ортиқча намгарчилик, совуқ ва бошқалар) чидамлилигини оширади;
- Ҳосил пишишини 5-8 кунга тезлаштиради;
- Кимёвий ўғитлар, жумладан, аммиакли селитра сарф миқдорини 20-30 фоизга камайтириш имконини беради;
- Экинлар ҳосилдорлигини ғалла ва пахтада 12-20 фоизга, сабзавот ва полizza 13-22 фоизга оширади;
- Дон ҳосилдорлигини ўртача 9-10 центнерга ошириш таъминланади;
- Маҳсулот таркибиде витаминлар, қанд, ёғлар, оқсил ва бошқа моддалар миқдорини ошириши ҳисобига унинг сифатини яхшилади;
- Тупроқ унвучанлигини ҳамда сув сақлаш қобилиятини оширади;
- Тупроқда пестицид, оғир металллар ва бошқа токсин қолдиқларини бириктириши сабабли уларнинг ўсимликларга, сизот сувларга ва атмосферага тушишининг олдини олиш имконини беради.

## “UZGUMI” БИО-ЎГИТИ ТАРКИБИДА ЎСИМЛИКЛАР ҲАЁТИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ҚУЙИДАГИ БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР МАВЖУД:

N-Азот

1-2 %

P-Фосфор

1-2 %

K-Калий

8 %

Гумин

кислоталари

20 г/л

Бор, марганец,

магний, мис, рух,

кобальт, молибден,

темир каби

микроэлементлар.

Ишлаб чиқарувчининг манзили: “TBS GROUP” МЧЖ Ўзбекистон. Тошкент ш. Амир Темур кўчаси, 107 Б уй.  
Телефон/факс: (+99871) 238-93-17, 238-93-14. E-mail: info@tbs-group.uz

Маҳсулот сертификатланган.

Қорақалпоғистон Республикасидаги  
“Турон-Хўжайли” акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни, ёғ-мой  
саноати тизимида меҳнат  
қилаётган ҳамкасб дўстларини  
Мустақиллигимизнинг  
28 йиллиги байрами билан  
табриклайди ва барчанинг касбу  
корига барака тилайди.



Азми қатъий, танти, меҳнатсевар  
юртдошларимизнинг эзгу  
ишларида ҳамиша омад ёр бўлсин!  
Ҳамжиҳатликда тараққиёт уфқлари  
сари ташлаётган дадил  
одимларимиз доимо бардавомлик  
касб этсин, азизлар!

## ✓ Реклама

## ТОГЛАР МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

- Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б ) бульдозер
  - Бульдозер-погрузчик БЛ-750
  - Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
  - Асфальторез
  - Подъемник БЛ-09
  - “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
  - “Беларусь” тракторлари эхтиёт-қисмлари
  - Турли моделдаги шиналар



Маҳсулотлар сертификатланган.  
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги  
боғдорчилик, узумчилик  
ва виночилик илмий-тадқиқот  
институтининг  
Хоразм илмий-тажриба  
станцияси собиқ директори

Садилла  
РУЗМЕТОВНИНГ  
вафоти муносабати билан  
унинг оила аъзоларига  
ҳамдардлик билдиради.